



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЖАМОАТ ТАРТИБИНИ САҚЛАШ ФАОЛИЯТИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

**Боқиев Ҳожимурод Азизбек ўғли**  
*ИИВ Академияси курсанти*

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш тушунчаси, жамоат жойларининг турлари, профилактика инспекторининг жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги чора-тадбирлари, ушбу чора-тадбирларни ташкил этиш тартиби, бугунги кундаги ҳолати ва профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш фаолиятини амалга оширишнинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида баён қилинган.

**Калит сўзлар:** Жамоат, Жамоат тартиби, Жамоат тартибини бошқариш воситалари, Жамоат тартиби мазмуни, Тартиб, Сақлаш, Хавфсизлик, Таъминлаш, “Фуқаролар хавфсизлиги”, Профилактика инспекторининг жамоат тартибини ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг мақсади, Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш, Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлашни ташкил қилиш, Жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш тактикаси.

**Жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш фаолияти-давлат ва жамиятнинг энг муҳим йўналишларида бири хисобланади.**

Ушбу фаолиятнинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

– Жамоат тартибини сақлаш ва жиноятчиликка қарши кураш борасида ишларни ташкил этиш;

– криминоген вазияти юқори бўлган ҳудудларда патруллик нарядлари ва кузатув-назорат ишларини ташкил этиш;

– безорилик, босқинчилик, талончилик, ўғирлик каби жиноятлар жиноятлар кўпайган ҳудудларда яшовчи фуқароларни, объектларни ўрганиб ва таҳлил қилиш;

– маҳалла кўмиталарининг жамоат тартибини таъминлаш, одамларнинг ҳушёрлиги ва ён-атрофда рўй бераётган воқеаларга онгли муносабатда бўлишларини фаоллаштириш;

– жамоат тартибини сақлаш ва фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш уларни ҳушёрлик ва огоҳликка, теварак атрофда рўй бераётган воқеаларга фаол муносабатда бўлишларига алоҳида эътибор қаратиш;



– маъмурий ҳудудлардаги тезкор-криминоген вазиятдан ўз вақтида хабардор бўлиш;

– наркотик воситалар ва психотроп моддалар, ўқотар қуроллар ва ўқдориларнинг ноқонуний ташилишини, шунингдек пиротехника воситаларини яширин равишда олиб келувчи ва уларни сотувчи, тарқатувчи шахсларни аниқлаш;

– кўчалар ва бошқа жамоат жойларида, оммавий тадбирлар ўтказилаётганида жамоат тартибини сақлаш ва жинойтчиликка қарши кураш бўйича хизматнинг самарали ўтказилишини таъминлаш;

– Шунингдек профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири бу юқоридаги фаолиятини ҳамкорлик асосида олиб боришидир. Бу борада профилактика инспектори ҳамкорликни;

– «Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2896-сонли қарори

– Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021-йил 26-мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жинойтчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196 сонли Фармони асосида амалга оширади.10

### **Профилактика инспекторининг жамоат тартибини сақлашда ҳамкорликни ташкил этиш тартиби:**

– жамоат тартибининг бузилиши ҳолларининг олдини олиш, ўта муҳим, ҳаётий муҳим тоифаланган объектларни қўриқлашда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари, ташқи хизматлар нарядлари ва «Қўриқлаш» бўлимлари билан доимий ҳамкорликни таъминлайди;

– бошқа хизматлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида хизматлар ягона жойлашув дислокацияси (тизими)ни ишлаб чиқиш ҳамда ижросини назорат қилиш;

– ҳаётий муҳим тоифаланган объектларни қўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш бўйича куч ва воситаларни тақсимлаш ва ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш юзасидан ички ишлар органлари раҳбариятига таклифлар киритади;

– шахсий ов қуролларини сақлаш тартибига риоя этилаётганлигини ҳар чорақда камида **бир маротаба** ўрганиб бориш, бунда қурол эгалари билан ўтказиладиган профилактик суҳбатлар давомида фуқароларга қурол-яроғларни сақлаш, ташиш, қайта рўйхатга қўйиш;

– спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи, оиласи нотинч бўлган, гиёҳвандликка чалинган, шунингдек турли кўринишдаги жинойтчиликка, жумладан диний ақидапарастлик, террорчилик, бошқа уюшган жинойт



фаолиятга алоқадор бўлган шахслардан овчилик қуролларини вақтинчалик ИИБга олиб қўйиш, тегишли рухсатномаларни бекор қилиш учун ИИБ назорат-лицепзия хизмати ходимларига тақдим этиб боради;

– профилактика инспектори хизмат кўрсатиш ҳудудидаги тезкор-криминоген ва ижтимоий сиёсий вазият тўғрисида жамоатчилик вакиллари ва аҳолининг руҳий ҳолати бўйича мунтазам равишда тезкор-қидирув хизмати ходимига ахборот бериб туради;

– жамоат жойларида содир бўлган жиноятларда патруль-пост хизмати нарядлари тергов-тезкор гуруҳи келгунча ҳодиса содир бўлган жойда изларнинг сақланиши ва жойнинг қўриқланишини таъминлайди, ҳодиса ҳақидаги дастлабки маълумотларни тўплаб, терговчига ахборот беради, ҳодиса содир бўлган жойни текшириш, кўздан кечириш ва бошқа зарур ҳаракатларни ўтказиш;

– ҳудуддаги тезкор вазиятни барқарорлаштириш, фавқулодда ҳодисалар, террорчилик ва қўпуровчилик ҳаракатлари содир этилишининг олдини олиш, ноқонуний сақланаётган ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи, заҳарловчи ва гиёҳванд моддаларни аниқлаш, хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, «Антиреррор», «Тозалаш», «Спитамен», «Арсенал» номли махсус тезкор профилактик тадбирларда иштирок этиш жараёнида ҳамкорлик қиладилар;

– ёнғин содир бўлганда профилактика инспектори яқиндаги ёнғин хавфсизлиги қисмларига хабар беради ва улар етиб келгунча ёнғинни ўчириш ва одамларни қутқариб қолиш чораларини кўради, жабрланганларга ёрдам беради, жамоат тартибини сақлаш, эгасиз қолган мол-мулкнинг талон-торож қилинишига йўл қўймаслик, ўт чиқиш сабабларини ҳамда айбдор шахсларни аниқлаш ва ушлаш чораларини кўради;

– криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда тезкор ва профилактик тадбирларни амалга ошириш, куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, бу борада соҳавий хизматлар ҳамкорлигини таъминлаш;

– тезкор қидирув хизматлари билан ҳамкорликда маъмурий назоратда турувчи, диний экстремистик оқим аъзолари, уюшган жиноий гуруҳлар ҳамда узоқ муддатга кетган шахслар бўйича тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилишини режасини ишлаб чиқиш ҳамда ўтказилишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш, шунингдек, жиноят содир этишга мойил бўлган профилактик ҳисобда турган барча тоифадаги шахслар билан яқка тартибдаги ишларни ташкил этиш;

– профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси





ходимлари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати таркибидаги ходимларнинг бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликни ташкил этиш;

– қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ўрим-йиғим терими даврида мавсумий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги чораларини кўриш юзасидан бошқа хизматлар билан келишилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

– мавсумий ўрим-йиғим теримига ажратилган ёқилғи мой-маҳсулотлари, минерал ўғитлар ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини талон-тарож қилинишини олдини олиш ишларини ташкил этади ва назорат қилади.

**Профилактика инспекторларининг давлат ташкилотлари, бошқа ташкилотлар ҳамда аҳоли билан ҳамкорлигини ташкил этиш қўйидаги йўллар билан амалга оширилади:**

– ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, уларга имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича қўшма тадбирларини режалаштириш ва ўтказиш;

– коллегиял қарорларни талаб қилувчи вазифалардан келиб чиқиб қўшма йиғилишлар ўтказиш;

– маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти натижалари ҳақида хабардор қилиб бориш;

– фаолиятга баҳо бериш ва биргаликда амалга оширилган ишлар натижаларини ҳисобга олиш;

– ҳамкорликни ташкил этишнинг илғор шакллари ва усулларини умумлаштириш ҳамда амалиётга татбиқ этиш.

Ҳамкорликнинг даражаси, доираси ва хусусиятидан келиб чиқиб, қонунчиликка мувофиқ бошқа тадбирлар ҳам амалга оширилиши мумкин.

Давлат органлари ва муассасалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ва бошқа ташкилотлар профилактика инспекторларига ўз ваколатлари доирасида ўқув-методик, ахборот, маслаҳат ва ташкилий жиҳатдан қўллаб-қувватлашлари мумкин. Ахборот алмашиш ёзма сўровлар асосида амалга оширилади. Сўровга, агар қонунчиликда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, у олинган кундан бошлаб **ўн беш кундан** кечиктирилмай жавоб берилиши лозим.

Профилактика инспекторлари маҳаллий аҳамиятга эга бўлган тадбирларни ўтказишда, оилавий-маиший низолар масалаларини ҳал этишда, инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда, ноқонуний диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш



чораларини кўришда, фуқароларнинг виждон эркинлиги ва диний эътиқод ҳуқуқларига риоя этилишини, диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўйилмаслигини таъминлашда фуқаролар йиғинлари билан ҳамкорлик қиладилар. Профилактика инспекторлари ҳар ойда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ҳолати тўғрисида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ҳисобот тақдим этадилар.

**Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини раислари (оқсоқоллари) билан биргаликда қуйидагиларга қаратилган чораларни амалга оширадилар:**

– эгасиз турар жойларни аниқлаш ва уларнинг қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда сақланишини назорат қилиш;

– виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилиши;

– оилавий-маиший сабабларга кўра содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шу жумладан аёллар, вояга етмаганлар ва ёшлар томонидан содир этилган ҳуқуқбузарликлар муҳокамасини ташкил этиш ва ўтказиш, мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон берувчи шартшароитларни бартараф этиш чораларини кўриш;

– спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларни суиистеъмол қилиш натижасида фуқаронинг муомала лаёқати чекланган деб топиш тўғрисида ёки фуқаронинг руҳий ҳолати бузилганлиги (руҳий касаллиги ёки ақлий заифлиги) туфайли муомалага лаёқатсиз деб топиш ҳақида судга ариза бериш масалалари.

Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) билан биргаликда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чораларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

Профилактика инспектори ўзига бириктирилган ҳудудда жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда ушбу борада уларнинг фаоллиги ва ҳушёрлигини ошириш масалаларида ҳам ҳамкорлик қиладилар.

**Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:**

– аҳоли, айниқса, вояга етмаганлар ва ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, маънавий-ахлоқий муҳитни яхшилаш бўйича фуқароларнинг фаоллигини оширишга йўналтирилган тушунтириш ишларини ташкил этиш;

– терроризм ва диний экстремизмга қарши курашиш;

– тинчлик ва осойишталикни таъминлашда фуқаролар огоҳлигини, аёллар фаоллигини ошириш;



– озодликдан маҳрум этиш тарзидаги жазони ўтаётган ёхуд жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган, шу жумладан, диний экстремистик ғоялар таъсирига тушган шахсларнинг яқин қариндошлари билан профилактика ишларини олиб бориш ва уларга кўмаклашиш;

– аёллар ўртасидаги эрта никоҳдан ўтиш, ўз жонига қасд қилиш, жиноятлар ва ҳуқуқбузарликлар ҳолатларининг сабаб ва шарт-шароитларини ўрганиш ҳамда уларга йўл қўймаслик чораларини кўриш.

**Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг яраштириш комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилади:**

– фуқароларнинг ёт ғоялар, ичкиликбозлик ва гиёҳвандлик таъсири остига тушиб қолишлари, оилавий келишмовчиликлар шунингдек, ёшлар тарбиясига масъулиятсиз муносабатда бўлиш ҳолатларининг олдини олиш;

– қўшнилар ва қариндошлар ўртасидаги келишмовчиликларни бартараф этиш ва уларнинг ўзаро муносабатларини тиклаш бўйича чораларни кўриш;

– ички ишлар органлари ҳисобида турган, айниқса, муқаддам судланган, ҳуқуқбузарликлар содир этаётган ва ёт ғоялар таъсирига тушиб қолган шахслар билан профилактик ишларни амалга ошириш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган шахсларни ижтимоий мослаштириш.

**Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг хотин-қизлар билан ишлаш бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:**

– аёлларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

– оилаларнинг барбод бўлиш ҳолатларини бартараф этишга йўналтирилган тадбирларни ўтказиш;

– хорижий давлатларга чиқаётган ва у ердан қайтган аёллар ҳисобини юритиш, улар билан тегишли профилактика ишларини амалга ошириш.

**Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг маърифат ва маънавият масалалари бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилади:**

– диний экстремизм, фундаментализм ва миссионерлик сабабларини ўрганиш, уларнинг салбий оқибатларини тушунтириш, шунингдек уларни бартараф этишга ва аҳолини огоҳликка чақиришга йўналтирилган чораларни амалга ошириш;

– рўйхатдан ўтмаган диний ташкилотлар фаолиятига чек қўйиш, фуқароларнинг диний эътиқод эркинлиги ҳуқуқига риоя этилишини таъминлаш, диний қарашларнинг мажбуран сингдирилишига йўл қўймаслик ҳамда виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисидаги



қонун ҳужжатларига риоя этилиши билан боғлиқ бошқа масалаларни кўриб чиқиш чораларини кўриш.

**Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғинининг вояга етмаганлар, ёшлар ва спорт масалалари бўйича комиссиялари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қилади:**

– вояга етмаганлар ва ёшларнинг маънавий-маърифий тарбияси, уларни спорт билан шуғулланишга жалб этиш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш;

– вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси;

– ота-оналари ички ишлар органларида профилактик ҳисобида турувчи вояга етмаганларнинг турмуш тарзи ва хулқини ўрганиш;

– васийлик ва ҳомийлик органларига етим болалар, ота-оналар қаровисиз қолган ёхуд ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ёхуд таъминлаш, тарбиялаш ва таълим бериш талабларига жавоб бермайдиган шароитда бўлган болалар тўғрисида маълумот тақдим этиш, шунингдек бундай болаларни тегишли давлат муассасаларига жойлаштиришда кўмаклашиш.

**Профилактика инспекторлари экология ва табиатни муҳофаза қилиш, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш бўйича комиссиялар билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:**

– аҳолининг экологик маданиятини ривожлантириш, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш чораларини кўриш;

– табиий офатлар билан курашишга ва уларнинг оқибатларини бартараф этишга фуқароларни жалб этиш;

– бириктирилган ҳудудда жойлашган ташкилотлар раҳбарларининг фуқаролар йиғинида атроф муҳитни муҳофаза қилиш, санитария ҳолати ва ободонлаштириш юзасидан ҳисоботларини эшитиш бўйича таклифларни тайёрлаш.

**Профилактика инспекторлари нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қуйидаги масалаларда ўзаро ҳамкорлик қиладилар:**

– ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишга йўналтирилган қўшма дастурларни ишлаб чиқиш;

– ҳуқуқбузарликлар оқибатида жабрланганларга ёрдам кўрсатиш бўйича ихтисослаштирилган муассасалар тузиш;

– фуқароларни, айниқса, ёшларни маънавий, ахлоқий, ҳуқуқий, жисмоний ва меҳнат тарбиясини амалга оширишда иштирок этиш;

– жазони ижро этиш муассасаларидан озод этилган ёки ихтисослаштирилган ўқув-тарбия муассасаларидан қайтган шахсларнинг ижтимоий реабилитация ва ижтимоий мослашувига кўмаклашиш;





- аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини ошириш;
- миллатлараро, маданиятлараро тотувлик ва фуқаролар тотувлиги фояларини мустаҳкамлаш, кўп асрлик, анъанавий маънавий-ахлоқий ҳамда тарихий-маданий қадриятларни тиклаш ва сақлаш.

Профилактика инспекторлари фуқаролар йиғини органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа масалаларда ҳам ўзаро ҳамкорлик қилишлари мумкин.

Профилактика инспекторларининг давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар билан ўзаро ҳамкорлиги уларнинг ҳуқуқбузарликлар профилактикасида кўмаклашиш ва зарурий ёрдам кўрсатиш билан иштирок этишлари орқали амалга оширилади.

Профилактика инспекторлари туман ва шаҳар ички ишлар органларига ҳуқуқбузарликлар профилактикасида фаол иштирок этганлиги ёки алоҳида хизматлари учун фуқароларни рағбатлантириш ҳақида таклифлар киритишлари мумкин.

Профилактика инспекторлари кўшма тадбирларни, шу жумладан, ҳуқуқбузарликлар профилактикасига оид «давра суҳбатлари», семинарлар ва ижтимоий сўровлар ташкил этиш орқали ўтказишлари мумкин.

### **Бундан ташқари профилактика инспекторлари ўз фаолиятида:**

- жамоат тартибининг бузилиши ҳолларининг олдини олиш, ўта муҳим, ҳаётий муҳим тоифаланган объектларни кўриқлашда патруль-пост хизмати саф бўлинмалари, ташқи хизматлар нарядлари ва «Кўриқлаш» бўлимлари билан доимий ҳамкорликни таъминлайди;

- бошқа хизматлар билан ҳамкорликда жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш мақсадида хизматлар ягона жойлашув дислокацияси (тизими)ни ишлаб чиқиш ҳамда ижросини назорат қилиш;

- ҳаётий муҳим тоифаланган объектларни кўриқлаш, жамоат тартибини сақлаш, хавфсизликни таъминлаш бўйича куч ва воситаларни тақсимлаш ва ўзаро ҳамкорликни ташкил этиш юзасидан ички ишлар органлари раҳбариятига таклифлар киритади;

- шахсий ов қуролларини сақлаш тартибига риоя этилаётганлигини ҳар чорақда камида 3 маротаба ўрганиб бориш, бунда қурол эгалари билан ўтказиладиган профилактик суҳбатлар давомида фуқароларга қурол-яроғларни сақлаш, ташиш, қайта рўйхатга қўйиш;

- спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи, оиласи нотинч бўлган, гиёҳвандликка чалинган, шунингдек турли кўринишдаги жиноятчиликка, жумладан диний ақидапарастлик, террорчилик, бошқа уюшган жиноий фаолиятга алоқадор бўлган шахслардан овчилик қуролларини вақтинчалик ИИБга олиб қўйиш, тегишли рухсатномаларни бекор қилиш учун ИИБ назорат-лицепзия хизмати ходимларига тақдим этиб боради;

- профилактика инспектори хизмат кўрсатиш ҳудудидаги тезкор-криминоген ва ижтимоий сиёсий вазият тўғрисида жамоатчилик вакиллари





ва аҳолининг руҳий ҳолати бўйича мунтазам равишда тезкор-қидирув хизмати ходимига ахборот бериб туради;

– жамоат жойларида содир бўлган жиноятларда патруль-пост хизмати нарядлари тергов-тезкор гуруҳи келгунча ҳодиса содир бўлган жойда изларнинг сақланиши ва жойнинг қўриқланишини таъминлайди, ҳодиса ҳақидаги дастлабки маълумотларни тўплаб, терговчига ахборот беради, ҳодиса содир бўлган жойни текшириш, кўздан кечириш ва бошқа зарур ҳаракатларни ўтказиш;

– ҳудуддаги тезкор вазиятни барқарорлаштириш, фавқулодда ҳодисалар, террорчилик ва қўпуровчилик ҳаракатлари содир этилишининг олдини олиш, ноқонуний сақланаётган ўқотар қуроллар, ўқ-дорилар, портловчи, заҳарловчи ва гиёҳванд моддаларни аниқлаш, хавфсизликни ва жамоат тартибини сақлаш, жиноят ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш мақсадида, «Антиреррор», «Тозалаш», «Спитамен», «Арсенал» номли махсус тезкор профилактик тадбирларда иштирок этиш жараёнида ҳамкорлик қиладилар;

– ёнғин содир бўлганда профилактика инспектори яқиндаги ёнғин хавфсизлиги қисмларига хабар беради ва улар етиб келгунча ёнғинни ўчириш ва одамларни қутқариб қолиш чораларини кўради, жабрланганларга ёрдам беради, жамоат тартибини сақлаш, эгасиз қолган мол-мулкнинг талон-торож қилинишига йўл қўймаслик, ўт чиқиш сабабларини ҳамда айбдор шахсларни аниқлаш ва ушлаш чораларини кўради;

– криминоген вазияти оғир бўлган маҳаллаларда тезкор ва профилактик тадбирларни амалга ошириш, куч ва воситаларни тўғри тақсимлаш, бу борада соҳавий хизматлар ҳамкорлигини таъминлаш;

– тезкор қидирув хизматлари билан ҳамкорликда маъмурий назоратда турувчи, диний экстремистик оқим аъзолари, уюшган жиноий гуруҳлар ҳамда узоқ муддатга кетган шахслар бўйича тезкор-профилактик тадбирлар ўтказилишини режасини ишлаб чиқиш ҳамда ўтказилишини таъминлаш;

– ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, содир этилган жиноятларни очиш, шунингдек, жиноят содир этишга мойил бўлган профилактик ҳисобда турган барча тоифадаги шахслар билан яқин тартибдаги ишларни ташкил этиш;

– профилактика инспекторлари, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаси ходимлари ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати таркибидаги ходимларнинг бошқа хизмат ходимлари билан ҳамкорликни ташкил этиш;

– қишлоқ ҳўжалик маҳсулотларини ўрим-йиғим терими даврида мавсумий ҳуқуқбузарлик ва жиноятларнинг олдини олиш, жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизликни таъминлаш, ёнғин хавфсизлиги



чораларини кўриш юзасидан бошқа хизматлар билан келишилган ҳолда ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган тадбирлар режасини ишлаб чиқиш;

– мавсумий ўрим-йиғим теримига ажратилган ёқилғи мой-маҳсулотлари, минерал ўғитлар ҳамда қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини талон-тарож қилинишини олдини олиш ишларини ташкил этади ва назорат қилади.

Қолаверса 2020 йил март ойида Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев жиноятчилик ҳолати бўйича видео селектор ўтказиб, бундан кейин маъмурий ҳудуддаги жиноятчилик бўйича профилактика инспектори билан бир қаторида Миллий гвардия ходимлари ҳам бирдек жавоб беришини белгилаб берди. Бунда ҳар бир маҳалла бўйича битта профилактика инспектори ва битта Миллий Гвардия ходими жамоат тартиби, фуқаролар хавфсизлигини таъминлаш ҳамда жиноятчиликка қарши кураш фаолитини олиб борадилар.

**Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини, шу жумладан қуйидагиларни назарда тутган ҳолда жорий этиш:**

– Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш;

– патруль-пост ва йўл-патруль хизматлари, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва пробация хизматлари бўлинмаларининг ўзаро ҳамкорликда ишлаши бўйича янги механизмларни белгилаш;

– Миллий гвардия бўлинмаларининг жамоат тартибини сақлаш тизимидаги ваколатлари ва шахсий жавобгарлигини белгилаш;

– пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини кунлик назорат қилишда профилактика инспекторлари билан ҳамкорлик механизмларини жорий этган ҳолда пробация бўлинмаларининг фаолияти самарадорлигини ошириш.

**Ички ишлар вазирлиги тузилмасида Жамоат хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар марказини ташкил этиш, унинг фаолияти ва ишлаш механизмлари ҳақидаги низомни, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда тасдиқлаш:**

– штат бирликлари сонини 20 та (15 та ходим, 5 та эркин ёлланган хизматчи) этиб белгилаш (ички ишлар органлари умумий штат бирликлари доирасида);

– катта илмий ва амалий тажрибага, таҳлилий фикрлаш қобилиятига эга юқори малакали мутахассислар билан жамлаш тартиби;

– республикада криминоген вазиятни тизимли таҳлил қилиш, жиноий қилмишларнинг содир этилишига таъсир қилаётган омилларни аниқлаш, жиноятларнинг динамикасини минтақалар ва турлари кесимида прогноз қилиш механизмлари;



– ҳуқуқ-тартибот куч ва воситаларини бошқариш самарадорлигини ошириш бўйича тўлақонли тизимлар ва илмий асосланган методикаларни ишлабчиқиш, жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги чора-тадбирларнинг сифатини ошириш бўйича тавсия ва ишланмаларни ҳуқуқни қўллаш амалиётига жорий этиш шакллари.

**Транспорт ва туризм объектларида хавфсизликни таъминлаш фаолиятини ташкил этиш бўйича, қуйидагиларни назарда тутган ҳолда янги чора-тадбирларни белгилаш:**

– туристларнинг туристик намоёиш ва инфратузилма объектларига ташриф буюриши, ҳаракатланиши ва кечки вақтини мазмунли ташкил этиш вақтида уларнинг шахсий ва жамоавий хавфсизлигини таъминлашнинг самарали механизмларини жорий этиш;

– транспорт объектларида мавжуд куч ва воситаларни тармоқли бошқариш тамойилини жорий этган ҳолда хавфсизликни таъминлаш бўйича сифат жиҳатидан янги тизимни ўрнатиш.

**Қуйидаги йўналишларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида малакали кадрларни мақсадли тайёрлаш тизимини жорий этиш мақсадга мувофиқ:**

– жамоат тартибини сақлаш, йўл ҳаракати хавфсизлиги ва паспорт тизими талабларини амалга ошириш йўналишлари бўйича мутахассисларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш;

– жамоат хавфсизлигини таъминлаш муаммолари бўйича фундаментал илмий тадқиқотлар ўтказилишини ташкил этиш, ушбу соҳада юқори малакали илмий-педагог кадрларни тайёрлаш;

– жамоат хавфсизлиги йўналиши бўйича ўқув жараёнини жорий этиш борасида Миллий гвардия Ҳарбий-техник институти фаолиятини тубдан такомиллаштириш.

Ички ишлар органлари тизимига ахборот технологияларни жорий этиш концепциясини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш. Бунда ички ишлар органлари фаолиятини рақамлаштириш соҳа ва йўналишларини, шунингдек ахборот-технологияларни тўла жорий этиш босқичларини белгилаш.

Маҳкумларни «электрон назорати»ни таъминловчи ахборот технологияларини жорий этган ҳолда, жазони ижро этиш муассасалари фаолиятини босқичма-босқич рақамлаштириш.

Хусусан:

– ходимларнинг персонал видеорегистратор (бодикамера) билан хизматни ўташ тартибини татбиқ этиш;

– маҳкумларнинг жазони ўташ тартибини бузиш ҳолатларини аниқлаш мақсадида кузатиш ва мустақил назорат қилиш имкониятига эга интеллектуал камералар («Smart») тизимини муассасаларга ўрнатиш;



– тақиқланган буюмларни олиб кириш ҳолатларини аниқлаш ва олдини олиш мақсадида муассасаларнинг назорат ўтиш жойларида боди камераларни ўрнатиш;

– жазони ўташ жараёнида маҳкумнинг хулқ-атвори ва шахси ҳақидаги «ахборот портрети»ни тузиш ва озодликка чиқишидан 2 ой олдин яшаш жойи бўйича ҳудудий ички ишлар органларига хабар бериш имкониятини берувчи ягона электрон тизимни яратиш.

## Фойдланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси –Т.,2023.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги 2016 йил 16 сентябрь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. –2016.ЎРҚ-407-сон.
3. Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”ги 2017 йил 3 январь қонуни. // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. ЎРҚ-419-сон
4. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Тошкент-2014. ЎРҚ-371-сон
5. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги Кодекси. Расмий нашр. – Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Тошкент-2024.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5005-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017. –№ 15.–243-м.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 8 сентябрдаги «Ўзбекистон Республикасида маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги ПФ-5185-сонли Фармони.
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 1 майдаги «Ички ишлар органларининг жамоат тартибини сақлаш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-2940-сонли Қарори //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – 2017.
9. Ички ишлир органларининг жамоат тартибини сақлаш ва хавфсизлигини таъминлаш фаолиятини бошқариш дарслик\ И.Исмаилов, Ж.С.Мухторов, Ф.А.Шукуров ва бошқалар.-Т.2019-43-бет.